

## ENTERPRISES OF THE FRUIT AND VEGETABLE AGROCLUSTER IN UZBEKISTAN AND ISSUES OF INCREASING THEIR ECONOMIC EFFICIENCY

**Takhirjan Ganievich Yokubov**

*Senior Lecturer Andijan*

*Andijan Institute agriculture and agrotechnology*

*Nematullaev Bekmirzo Bozorboy ugli - student*

**Abstract:** Providing the population of Uzbekistan with food products and ensuring economic growth through the export of fruits and vegetables to the world market is one of the pressing issues of our time. This article reveals the importance of the development of fruit and vegetable growing and viticulture in our country, including in the Andijan region, and the features of improving the management system in the activities of enterprises of the fruit and vegetable cluster in this area, and also emphasizes the importance of regulatory documents for the development of the industry and the importance of the ongoing work with this work

**Key words:** economy and agricultural sector, integration, fruits and vegetables, food security, exports, investments, cluster, greenhouses, farmers, leasing, lending, financial support.

### ПРЕДПРИЯТИЯ ПЛОДООВОЩНОГО АГРОКЛАСТЕРА В УЗБЕКИСТАНЕ И ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ИХ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ.

Тахиржан Ганиевич Ёкубов

Старший преподаватель, Андижанский институт

сельского хозяйства и агротехнологий

Нематуллаев Бекмирзо Бозорбой угли

студент

**Аннотация:** Обеспечение населения Узбекистана продовольственными товарами и обеспечение экономического роста за счет экспорта плодоовощной продукции на мировой рынок является одним из актуальных вопросов современности. В данной статье раскрывается значение развития плодоовощеводства и виноградарства в нашей стране, в том числе в Андижанской области, и особенности совершенствования системы управления в деятельности предприятий плодоовощного кластера в данной сфере, а также подчеркивается значение нормативно-правовых документов для развития отрасли и важность проводимой в связи с этим работы.

**Ключевые слова:** экономика и аграрный сектор, интеграция, плодоовощная продукция, продовольственная безопасность, экспорт, инвестиции, кластер, тепличные хозяйства, фермеры, лизинг, кредитование, финансовая поддержка



ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК АГРОКЛАСТЕР  
КОРХОНАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ёқубов Тоҳиржон Фаниевич,  
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар  
институти катта ўқитувчиси.  
Нематуллаев Бекмирзо Бозорбай ўғли  
Талаба

**Аннотация.** Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва мева-сабзавот, узумчилик маҳсулотларини жаҳон бозорига экспорт қилиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ушбу мақолада мамлакатимизда жумладан Андижон вилоятида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришнинг бугунги кундаги аҳамияти ва соҳада олиб борилаётган мева-сабзавотчилик кластери корхоналари фаолиятида бошқарув тизимини такомиллаштириш хусусиятлари, ҳамда соҳани ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳуқуқий, меъёрий хужжатларнинг аҳамияти ва бу борада олиб борилаётган ишларнинг аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодиёт ва аграр тармоқ, интеграция, мева-сабзавот, озиқ-овқат хавфсизлиги, экспорт, инвестиция, кластер, иссиқхона хўжаликлари, фермер, лизинг, кредитлаш, молиявий қўллаб -куватлаш.

Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини доимо ошириб боришда халқимиз турмуш тарзига энг яқин ва тез натижа берадиган йўналиш қишлоқ хўжалигида юқори даромадли интенсив ишлаб чиқаришни ташкил этишдир. Бунда мавжуд салоҳиятимизни тўлиқ ишга солишимиз, унга яраша катта даромад олишимиз зарурлигини инобатга олган ҳолда сўнгги йилларда мамлакатимизда мазкур соҳа юқори шиддат билан ислоҳ қилинмоқда.

Дастлаб Ўзбекистонда мева-сабзавотчиликни самарали ривожлантиришни таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни йирик хорижий бозорларга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 марта “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5388 сонли фармони билан Сурхондарё вилоятида мева-сабзавот маҳсулотлари соҳасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кластер усулини яратишни қўллаб-куватлаш бўйича тажриба йўлга қўйилди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис аъзоларига анъанавий мурожаатномасида таъкидланганидек : "Пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилинади. Келгусида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан кўрсатма бериш, ресурсларни тақсимлаш, режа белгилаш кабилардан воз кечилади. Аграр соҳанинг бошқа соҳаларига ҳам арzon кредитлар ажратилиши йўлга қўйилади. Шундан кейин, жорий йилда 2 миллиард АҚШ долларига тенг, келгуси 5-7 йилда



эса бундан 3-4 баравар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Шу йилнинг ўзида 44 минг га ер майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилади"[4] деб таъкидлаб ўтдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони, 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон фармони, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сонли "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармогини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган киймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини ижросини таъминлаш ҳамда республикада боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ҳамда мева-сабзавот кластерларини қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 февралдаги 102-сонли "Боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ҳамда мева-сабзавот кластерларини қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 2021 йил 27 январдаги ПҚ-4964-сон "Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартағи 130-сон "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари ва бошқа соҳага оид бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мазкур соҳани жадал ривожланишига хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган "2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" да қуйидагилар белгиланди:

- Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали дехқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш.
- Туманларни аниқ маҳсулот турини етиштиришга ихтисослаштириш.
- Қишлоқ хўжалигига давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш.
- Янги ва фойдаланишдан чиқсан 464 минг гектар майдонни ўзлаштириш ва кластерларга очик танлов асосида ажратиш, 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳамда аҳолига очик танлов асосида узоқ муддатли ижарага бериш.
- Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш"[3] каби вазифалар белгиланди.

Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёевнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти - Саммитидаги нутқида илгари сурилган ташаббуслардан бири агросаноат кластерларни ривожлантириш ғояси бўлди. Бу инновацион ғоя тезда дунё илмий жамоатчилиги томонидан тан олинди [3]. Унда Президент Ш.

Мирзиёевнинг бевосита фояси асосида Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган инновацион пахта тўқимачилик кластери тизимиning ноёблиги, янгилиги, халқнинг ҳаёт сифати ва мамлакат экспорт салоҳиятини оширишдаги стратегик аҳамияти ҳам илмий-назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан чуқур таҳлил этиб берилган.

Булар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартағи “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5388 ва 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853 сонли фармонлари ҳамда 2018 йил 17 октябрдаги “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташки бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3978 сонли ва 2019 йил 14 мартағи “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239 қарорларини келтириш мумкин.

Шунингдек қишлоқ хўжалиги ривожига янги бир туртки берган бир қатор муҳим ислоҳотлар сифатида, 2020-2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини ва Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини 2021 - 2025 йилларда устувор ривожлантириш концепцияси тасдиқланиши, кластер тизимини жорий этилиши, савдони эркинлаштирилиши ва экспортни рағбатлантирилиши, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларни ижарага (иккиламчи ижарага) бериш, сув тежовчи технологиялар қўлланилганда субсидиялар жорий этилиши, AKIS (Аграр соҳада билим ва инновациялар тизими) агрохизматлар марказини очилиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

Давлатимиз томонидан берилган эътибор ва имкониятлар натижасида мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ижобий таъсир қўрсатди. Аграр тармоқда турли хил йўналишларда жами 465 та агрокластерлар, шулардан 146 та мева-сабзавотчилик, 157 та ғаллачилик, 122 таси пахта тўқимачилик соҳасида ташкил этилган бўлиб, пахта ҳосилдорлиги 2017-йилда гектарига 23,8 центнердан 2022-йилда 34,0 центнерга, сугориладиган майдонлар улуши 1,7 фоиздан 24 фоизга кўпайди. Уларда сувни тежовчи технологиялар татбиқ этилди,

Республикамизда савдони эркинлаштириш ва экспортни рағбатлантириш билан боғлиқ қонунчиликдаги ўзгартиришлар 2017-2022 йилларда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини 1,7 баробарга, яъни 652,3 миллион доллардан 1 134,3 миллион долларгача ошириш имконини берди. Бугунги кунда 3142 та иссиқхона фаолият кўрсатиб, шундан 1622 таси кейинги 5 йилда қурилиб ишга туширилган бўлиб, уларнинг умумий майдони 6300 гектарни ташкил этади. 2019-2022 йилларда Ўзбекистон Глобал озиқ-овқат хавфсизлиги индексида ўз ўрнини 12 поғонага яхшилади ва 85-ўриндан 73-ўринга кўтарилди.

<sup>1</sup> [13]

<sup>1</sup> www.ifmr.uz. 2023.3.18-бет

2017–2022 йилларда мева ва ёнғоқлар экспорти қиймати 1,5 баробар ошганлигини кўрсатди, яъни 2017-йилда экспорт ҳажми 417,2 миллион АҚШ долларини, 2022-йилда эса 618,6 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Юқорида тахлил этилган йилларда мева ва ёнғоқлар экспорти географияси Белгия, Жазоир, Мексика, Бразилия, Словакия каби яна 18 та мамлакатга кенгайди. Бунда асосий импорт қабул қилувчи мамлакатлар сифатида Россия (361,3 миллион АҚШ доллари), Қозоғистон (118,4 миллион АҚШ доллари), Қирғизистон (26,4 миллион АҚШ доллари), Хитой (19,2 миллион АҚШ доллари) ва Туркия (13,6 миллион АҚШ доллари) ташкил этади.

### **2017 - 2022 йилларда Ўзбекистонда мева ва ёнғоқлар экспорти динамикаси бўйича асосий экспорт бозорлари бешталиги. [12]**

2017йил	Мамлакатлар	2022 йил	2022 йилда 2017 йилга нисбатан %
80,6 млн АҚШ \$	Россия	361,3 АҚШ \$	4,2 марта
236,9 АҚШ \$	Қозоғистон	118,4 АҚШ \$	50,0
22,5 АҚШ \$	Қирғизистон	26,4 АҚШ \$	117,0
17,4 АҚШ \$	Хитой	19,2 АҚШ \$	110,3
14,3 АҚШ \$	Туркия	13,6 АҚШ \$	95,1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 сентябрдаги №752 сонли "Андижон вилоятида мева-сабзавотчиликни кластер усулида ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Андижон вилоятида қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, вилоят туманларининг табиий-иклим шароитларига мос, серҳосил ва экспортбоп мева-сабзавот экинлари навларини жойлаштириш, ташқи бозор талабига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотларни етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнини тўлиқ қамраб олувчи кластер тизимини кенг жорий этиш, янги иш ўринларини яратиш, мева-сабзавот етиштириш ва қайта ишлаш жараёнидаги иштирокчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Андижон вилоятида «Premium Agro Gold» ва «Навигул» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда «Обод турмуш орзуси» фермер хўжалиги томонидан мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишга ихтисослаштирилган намунавий мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этилиб, қуйидаги вазифалар белгиланди:

-мева-сабзавот етиштириш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида улардан ҳудудий шароитларда кенг фойдаланиш ҳамда мева-сабзавотчилик соҳасига кластер тизимини жорий қилишда хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

-ташқи бозор талабига тўлиқ жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, истиқболда уларнинг селекцияси ва уруғчилигини мамлакатимизда ўзлаштириш ва ривожлантириш;

-серхосил мева-сабзавот экинларини экиш, маҳсулот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнини тўлиқ қамраб олувчи тизимни, шунингдек замонавий инновацион, ресурс тежайдиган технологияларни мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш жараёнига жорий қилиш ва фитосанитария қоидаларига риоя қилиш каби вазифалар белгиланган эди.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасинингнинг қарорларини изчил амалга ошириш мақсадида Андижон вилоятида ҳам мева-сабзавотчилик кластери корхоналарини ташкил этиш орқали мамлакатимиздаги озиқ -овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга эришилмоқда.

Андижон вилоятида 2019 йилда мева-сабзавотчилик агрокластерлари фаолиятини ташкил этиш икки босқичда амалга оширилди. Дастрлаб Булоқбоши, Хўжаобод, Андижон, Асака, Жалақудук, Олтингўл ва Балиқчи туманларида 22 минг 764 гектар экин майдонларининг 9 минг 469 гектарида, "Навигул ХК", ДХ "Андижон сабзавотлари", "Обод турмуш орзуси", "Agro asia cluster", "Садаф ниҳоли" каби агрокластерларга биркитилди. Иккинчи босқичда 10 минг 484 гектар экин майдонларининг 2 минг 463 гектарида Бўстон, Марҳамат, Улуғнор, Шахриён, Кўрғонтепа, Избоскан туманларида агрокластерлар ташкил этилди.

Умуман Андижон вилояти бўйича 11 минг 932 гектар ер майдонлари мева-сабзавотчиликка ихтисослашган агрокластерларга биркитирилди. Натижада 2020 йилда агрокластер тизимида 62900 тонна мева-сабзавотни бирламчи қайта ишлаш, 27200 тонна маҳсулотни музлаткичларда сақлаш имконияти вужудга келди. 2021 йилда режалаштирилган янги лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида 71900 тонна маҳсулотни бирламчи қайта ишлаш, 33800 тонна маҳсулотни музлаткичларда сақлаш ва аҳолига йил давомида етказиб бериш имконияти яратилди.[14]

Бунда лойиҳа ташаббускорларига барпо этилган интенсив боғ ва қурилган иссиқхоналар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 30 январдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ лизинг ва кредит шартлари асосида берилмоқда.

### Андижон вилоятида мева - сабзавот ва узум етиштириш кўрсаткичлари[14]

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017й.	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.
1	Мева-резаворлар	тонна	568 706	606 053	633 364	634 048	657 480
	ш.ж.-уруғлик	тонна	265 086	308 602	302 356	303 794	x
	-данакли	тонна	227 777	216 586	249 719	229 386	x

	-ёнгоқ мевали	тонна	18 722	28 255	28 975	41 604	х
	-субтропик	тонна	55 380	50 982	46 804	54 079	х
	-резавор мевалар	тонна	1 345	407	1 568	1 916	х
2	Сабзавот	тонна	1478 128	1570 917	1596891	1 611 054	1 645 197
3	Узум	тонна	78 849	71 247	77 630	76 817	80 896

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Андижон вилоятида 2017-2021 йилларда мева резаворлар етиштириш 568 706 тоннадан 657 480 тоннага ёки 115,6 фоизга ,сабзавот етиштириш 1478 128 тоннадан 1645 197 тоннага ёки 111,3 фоизга, узум етиштириш 78 849 тоннадан 80 896 тоннага ёки 102,6 фоизга ортди.

Умуман бугунги қунда агрокластерлар фаолиятини тартибга солиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган бўлиб, муайян кластерларни ташкил этиш ва уларга ер ажратиш бўйича меъёрий хуқукий хужжат ҳисобланади.

Шу бир қаторда амалда фаолият юритаётган агрокластерларнинг таҳлили соҳада қуидаги тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда:

- Агрокластерларни тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқукий хужжатни қабул қилиш ва кластерларнинг хуқукий мақоми белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;
- Агрокластерларни ташкил этиш, уларни танлаб олиш мезонлари, шунингдек, уларга ерларни ажратишнинг ягона ва шаффоф механизмларини такомиллаштириш зарурлиги;
- Ўзбекистонда агрокластерларни шакллантириш тизимини хориж амалиётидан келиб чиқиб, такомиллаштириш зарурлиги ва аграр тармоқда ахборот-маслаҳат хизматлари тизимининг кенг жорий этиш зарурлиги, соҳанинг ривожланишини мустаҳкамлашга лаёқатли ҳамда малакали мутахассисларни жалб этиш зарурлиги;
- Агроластер тизимида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва эркин шартномавий муносабатларни амалга ошириш, хўжалик юритища жаҳон амалиётидаги тажрибалардан фойдаланган ҳолда бошқаришни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Мирзиёев. Эркин фаровон, демократик Ўзбекистон Давлатини биргалиқда барпо этамиз Т.: Ўзбекистон, 2016. 15-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020й. 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.  
[https://www.norma.uz/bizning\\_sharhlar/2020\\_yilgi\\_murojaatnoma](https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/2020_yilgi_murojaatnoma).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган "Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси".lex/uz

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020й. 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси [https://www.norma.uz/bizning\\_sharhlar/](https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/)
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси" Lex/uz
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сонли "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори Lex/uz.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан "2022 - 2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ" Lex.uz.
8. Сайдов М.Х, Очилов И.С. Мева-сабзавотчилиқда замонавий кластерларни шакллантириш масалалари, уларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: ТДАУ, 2019. 5- бет.
9. М. Порттер Конкуренция / Майкл Э. Порттер; пер. с англ. – М.: Вильямс, 2006. – 256 с.
10. М. С.Юсупов "Агросаноат интеграцияси" Ўқув қўлланма. - Т. 2015й. 49-363 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари stat.uz
12. UN Comtrade (БМТ Савдо статистикаси маълумотлари асосида муаллиф таҳлили)
13. Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти. www.ifmr.uz. 2023.3.7-бет
14. Андижон вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси .
15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги расмий веб-сайти. <https://www.agro.uz/agrokasterlar-va-kooperatsiyalar/#1627303540327-5870b9c2-be30>.
16. Ўзбекистон Миллий ахборотлар агентлиги.<http://uza.uz/posts/>